

МЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ЗАРУРИЯТИ ВА ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

Атамуратова Фериза Кадирбергеновна

Қарақалпоқ давлат университети «Статистика» 2 курс талабаси

Исмаилов Тимур Куатбаевич

Қарақалпоқ давлат университети, доцент ў. а.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12573116>

Аннотация. Мақолада ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид замонавий ечимлар, табиий ресурсларни муҳофаза қилиши жараёнларини барқарор ривожлантириши бўйича таклиф ва тавсиялар баён этилган.

Таянч сўзлар: ақдли технологиялар, рақамлаштириши, мелиоратив тизимлар, қурғоқчилик минтақа, шўрланиши даражаси, инновациялар, иқлим ўзгариши.

THE NEED FOR EFFECTIVE MANAGEMENT OF MELIORATIVE MEASURES AND FOREIGN EXPERIENCES

Abstract. The article modern solutions to improve land reclamation, suggestions and recommendations for the sustainable development of processes for the protection of natural resources.

Keywords: smart technology, digitization, reclamation systems, arid region, salinity level, innovation, climate change.

НЕОБХОДИМОСТЬ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ МЕЛИОРАТИВНЫМИ МЕРОПРИЯТИЯМИ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

Аннотация. В статье современные решения по улучшению мелиорации земель, предложения и рекомендации по устойчивому развитию процессов защиты природных ресурсов.

Ключевые слова: умные технологии, оцифровка, мелиоративные системы, засушливый регион, уровень солености, инновации, изменение климата.

Кейинги даврларда содир бўлаётган кенг миқёсдаги глобал экологик вазиятнинг ўзгариши дунё аҳолиси сонининг ўсишига мос равишда суғорма дехқончиликни ривожлантириш имкониятларининг чекланиб бораётганлиги, жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши устуворлигидан саноат ва бошқа тармоқларни ривожлантириш устуворлигининг ошиб бориши қишлоқ хўжалигига ўз салбий таъсирини ўтказиши билан бирга соҳада сугориладиган ерларнинг камайиб боришига олиб келиши табиийдир. Бундай

ҳолат ҳудудларнинг табиий ва иқлим шароитидан келиб чиқсан ҳолда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни шакллантириш мақсадида тупроқнинг табиий унумдорлигини сақлашда мелиоратив тадбирларни самарали ташкил этиш масаласи дунё миқёсида хам долзарб муаммолардан бири сифатида юзага келди.

Жаҳон иқтисодиётидаги ердан фойдаланиш ва мелиорация муаммо-ларини тадқиқ этишдаги асосий тенденция ва прогнозларни кузатиш қўйи-даги хуласаларга олиб келади:

1. Ўтган асрда иқтисодий фаолиятлар натижасида табиий ресурсларни истеъмол қилиш бутун инсоният цивилизацияси тарихига нисбатан кўпроқни ташкил этган. Чунки, жаҳон иқтисодиёти ривожланиши экстенсив омилларга асосланган бўлиб, ресурслар истеъмоли сезиларли даражада ошганлиги сабабли экологик муаммолар долзарблашди.

2. Жаҳон ер фондининг 11 фоизини (1450 млн. гектар) экин майдон-лари ва боғлар ташкил этади. Экологларнинг ҳисоб-китобларига кўра, экин майдонларининг чекланган миқдори 1500 млн. гектардан ошиб кетмаслиги керак. Демак, инсоният томонидан экин майдонларининг барча захирала-ридан деярли фойдаланиб бўлинган. Акс ҳолда экологик инқирознинг кескин ошиши кузатилади (1).

3. Ер майдонларининг камайиши асосан икки ҳолатда, яъни дунё аҳолисининг ошиши натижасида урбанизация ҳамда деградация жараёнлари билан боғлиқ. Прогнозларга кўра, 2030 йилга келиб дунёда аҳоли жон бошига нисбатан экин майдонларининг салмоғи 0,10 гектардан 0,08 гектаргача камаяди (2). Турли даражадаги деградация жараёнлари оқибатида бутун цивилизация ривожланиш тарихида тахминан 2 миллиард гектар унумдор ерлар муоммадан чиқсан (3). Бу ҳозирги кунда мавжуд жами қишлоқ хўжалиги ерларидан кўпроқни ташкил этади.

4. Сўнгги вақтларда сув ресурсларининг камайиши ва қирғоқчилик частотаси ва давомийлигининг ошиши бўйича хавфли тенденция кузатилиш эҳтимоли мавжуд. Чунки, иқтисодий фаоллик таъсири остида дунёning кўплаб мамлакатларида йиллик дарёлар оқимининг камайиши кузатилади.

5. Глобал иқлимининг ўзгариши ҳам истиқболда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқлим ўзгаришига мослашган дехқончилик тизимини яратиш заруриятини келтириб чиқаради. Зоро, XIX асрнинг ўрталаридан XX асрнинг дастлабки йиллари мобайнида сайёрамизда ҳароратнинг 0,7 даража ошгани (4), 2100 йилга бориб эса бу кўрсаткич 3,7-4,8 даражага ошиши (5) мутахассислар томонидан эътироф этилган. Иқлимшуносларнинг ҳисоб-китоблари кўра, иқлимининг 2 даражадан юқори ошиши жиддий салбий оқибатларга олиб келиши ҳисоб-китоб килинган.

Умуман олганда, қайд этилган салбий тенденциялар шароитида қишлоқ хўжалиги

экин майдонларидан түлиқ фойдаланиш, хусусан ривожланган мамлакатларда экин ерларининг йўқотилишини самарали мелиоратив тад-бирлар, ишлаб чиқаришни инновацион асосда ташкил этишга асосланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш эвазига эри-шилса, ривожланаётган давлатларда бунинг акси кузатилмоқда. Зотан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдан кўзланган мақсад турли мамлакатларда турлича. Чунки, баъзи бир мамлакатларда мақсад максимал фойда олиш, бошқаларида озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш бўлса, баъзиларида эса атроф-муҳитни ҳимоя қилишга қаратилган.

Шунингдек, дунё мамлакатларида сугориладиган ерларнинг ўсиш суръатлари ҳам ушбу мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш ҳолатидан келиб чиқмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, ривожланган мамлакатларда сугориладиган ерларнинг ўсиш суръатлари ўтган асрнинг 80 йилларидан камайиб борган. Бу ушбу мамлакатларда самарали мелиоратив тадбирлар асосида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва маҳсулотларни қайта ишлаш ҳажмини ошириш, иккинчи томондан эса ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга таъсирини юмшатишга қаратилган мақсад билан изоҳланади. Ривожланаётган мамлакатларда (Марказий Осиё республикалари бундан мустасно) сугориладиган ерларнинг ўсиш суръати 2000 йилгача сақланиб қолган. Бу сув ресурсларининг чекланганлиги ва табиий муҳитнинг ёмонлашишига қарамай озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарурияти билан изоҳланади. Марказий Осиё давлатларида эса бу кўрсаткич сув ресурсларининг камайиши ва сугориладиган ерлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши билан изоҳланади.

Хулоса қилиб айтганда, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид замонавий ечимларнинг умумий йўналишини таърифлайдиган бўлсак, сўнгги йилларда табиий ресурсларни муҳофаза қилиш жараёнларини барқа-рор бошқариш масаласи дунё миқёсидаги аввалги мавжуд концепцияларни ўзгартириб юборди. Бу эса озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишлаб чиқариш технологияларининг табиий муҳитга таъсирини юмшатиш билан амалга оширилиши талабини қўймоқда. Албатта, атроф-муҳитни бошқариш соҳасидаги анъанавий ёндашувлар ҳамда ривожланаётган мамлакатлардаги мавжуд ижтимоий-иктисодий шароитлар бу вазифани бажариш имкониятини чеклайди.

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлилидан келиб чиқкан ҳолда шуни эътироф этиш лозимки, ривожланган мамлакатларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тажрибаларининг Ўзбекистон шароитига қўллашда мамлакатимизнинг табиий-ижтимоий-иктисодий шароитлар ва алоҳида хусусиятларини батафсил баҳолаш ҳамда энг муҳими

қабул қилинган қадриятлар ва мақсадлар тизимини таҳлил қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Умуман олганда, тадқиқот жараёнида хорижий давлатларда қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги тажрибаларининг муҳим жиҳатлари ва уларнинг аҳамиятли томонларини қўйидагича ифода этиш мумкин:

1. Ерларни мелиоратив ҳолати ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича меъёрий ҳужжатлар билан таъминланиш йўналишида:

“Мелиорация тўғрисида”ги Қонун (Россия, Украина)

Мелиоратив тадбирларнинг иқтисодий, экологик, ижтимоий самарадорлигини баҳолаш бўйича услубиётлар (Россия)

Табиий ресурслардан фойдаланишда кўриладиган заарлар миқдори ва ҳажмини аниқлаш бўйича услубиётлар (Россия)

2. Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилган ташкилий чоратадбирлар йўналишида:

Консервацион дастурлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш (АҚШ)

Табиий (ер-сув) ва бошқа ресурслар (мелиоратив техника, сугориш тизимлари)ни инвентаризация қилиш тадбирлари (АҚШ)

Мелиоратив ерлардан альтернатив фойдаланиш (АҚШ)

Экстеншин (Extension) хизмати, яъни Ахборот консультатив хизматларини ташкил этиш (АҚШ)

Мелиорация соҳасидаги илмий тадқиқотларни халқаро ташкилотлар ҳамда мамлакатлар билан алоқаларни йўлга қўйиш (Хитой)

Биофермалар фаолиятини йўлга қўйиш (Хитой)

3. Табиий ресурслардан тежамли фойдаланишни рағбатлантириш йўналишида:

Истеъмолчилар сувни лимитдан ортиқ ишлатишса, ортиқча ишлатилган сув таннархига нисбатан 10 баробар кўп жарима ундириб олиниши (Исройл).

Сугориш учун сувни олиб ташлаб юбораётган истеъмолчининг ҳар кубометр ташлаб юборилган сув учун 0,50 АҚШ доллари миқдорида жарима тўлаши (Исройл) (6).

Юқоридаги хориж тажрибаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятли жиҳатларидан келиб чиқадиган асосий хулосалардан бири шуки, ривожлан-ган мамлакатларда мелиорация қилинган ерлардан самарали фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган замонавий илғор техник-технологик, қолаверса қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик юритиш субъект-ларини иқтисодий-молиявий қўллаб-қувватлаш соҳаларида

эришилган ютуқларни республикамизда ҳам босқичма-босқич татбиқ этиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш муҳим аҳамият касб этувчи йўналашлар сифатида қаралмоғи лозим.

REFERENCES

1. Одум Ю., Хомяков П.М. Моделирование развития экологических систем. Л., Гидрометеоиздат, 1991, – 207 стр.
2. Halweil B. Grain Area Declines. The environmental trends that are shaping our future. W.W.Northon and Co. New York and London, 1999, P.43.
3. Устойчивое развитие сельского хозяйства и сельских территорий: Зарубежный опыт и проблемы России. М. 2005, стр. 54-206.
4. <http://www.unitar.org/newsletter>
5. <http://tass.ru/spec/climate>
6. Сангирова У.Р. Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш. Т.: ТИҚҲММИ, 2018. – 143 б
7. Ismailov K. S. et al. Organizational-Economic Principles of Digitalizing the Processes of Using Meliorative Systems //Journal of Survey in Fisheries Sciences. – 2023. – Т. 10. – №. 2S. – С. 3088-3091.
8. Исмаилов К. С., Байжанов С. Х., Исмаилов Т. К. Трудовые ресурсы и занятости населения в регионе //Экономика и предпринимательство. – 2021. – №. 6. – С. 557.
9. Mukhtorov U. et al. Innovative organization and increase of efficiency of agricultural melioration measures of Uzbekistan //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – Т. 386. – С. 03009.
10. Khozhâlepesov P. Z., İsmailov T. K. The Main Issues of the Development of Cotton and Textile Industry in the Republic of Uzbekistan //International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. – 2022. – Т. 7. – №. 111. – С. 158-160.
11. Исмаилов Т. К. НЕОБХОДИМОСТЬ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ МЕЛИОРАТИВНЫМИ МЕРОПРИЯТИЯМИ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ //Бюллетень науки и практики. – 2022. – Т. 8. – №. 2. – С. 124-130.
12. Goibberdiev S. et al. Improving the assessment of agricultural land reclamation condition using GIS based on the interdependence of the factors impact //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – Т. 443. – С. 06013.

13. Исмаилов Т. К. СТРУКТУРНО-ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ РЕФОРМЫ СИСТЕМЫ ВОДНОГО ХОЗЯЙСТВА УЗБЕКИСТАНА //Экономика и управление отраслями, комплексами на основе инновационного подхода. – 2020. – С. 262-265.
14. Исмайлова К., Тимур И. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШДА" УзАСБО" ДАСТУРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2016. – №. 1. – С. 48-52.
15. Khakimov R. et al. Current state of agriculture in the republic of Uzbekistan and the need for improving the efficiency of agro-clusters in the fruit and vegetable industry //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2022. – Т. 1043. – №. 1. – С. 012043.
16. Ismailov K. S. et al. Organizational-Economic Principles of Digitalizing the Processes of Using Meliorative Systems //Journal of Survey in Fisheries Sciences. – 2023. – Т. 10. – №. 2S. – С. 3088-3091.
17. Xalmuratovich B. S. et al. Use of Marketing Methods in the Development of Strategies for Diversification of Agricultural Production in the Republic of Karakalpakstan //Solid State Technology. – 2020. – Т. 63. – №. 4. – С. 516-522.
18. Исмаилов К. С., Байжанов С. Х., Исмайлова Т. К. Трудовые ресурсы и занятости населения в регионе //Экономика и предпринимательство. – 2021. – №. 6. – С. 557.
19. Исмаилов К. С., Байжанов С. Х., Бекбосынов К. К. Современное состояние рынка труда и проблемы занятости //Бюллетень науки и практики. – 2021. – Т. 7. – №. 7. – С. 212-220.
20. Исмайлова К., Тажекеев З. «БУХГАЛТЕРИЯ ЕСАБЫ ҲАҚҚЫНДА» ФЫ НЫЗАМНЫҢ ЖАҢА РЕДАКЦИЯСЫНЫң ӘҲМИЙЕТИ //ВЕСТНИК КАРАКАЛПАСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА. – 2017. – Т. 34. – №. 3. – С. 31-34.
21. Mamutova A., Menlimuratova J. FEATURES OF MATERIALS ANALYSIS IN THE FIELD OF CONSTRUCTION //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 189-193.
22. Abishov M., Mamutova A. FEATURES OF TAXATION OF CONSTRUCTION COMPANIES IN FOREIGN COUNTRIES AND THEIR USE IN OUR COUNTRY //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 296-304.
23. Mamutova A., Ablezova B. THE ROLE OF AGRICULTURAL PRODUCTION IN THE ECONOMY //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 270-273.

24. Mamutova A., Ibragimov A. IMPROVING THE ANALYSIS OF FINANCIAL RESULTS IN BANKING INSTITUTIONS //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 10. – C. 561-567.
25. Mamutova A., Menlimuratova J. FEATURES OF MATERIALS ANALYSIS IN THE FIELD OF CONSTRUCTION //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 5. – C. 189-193.